



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШГА ОИД ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР

Мамаражабов Муҳаммаджон Жўрабой ўғли

ИИБ Академияси курсанти


<https://doi.org/10.5281/zenodo.10118788>

Барчангизга маълумки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарали ташкил этилиши халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ривожлантиришнинг амалий механизмларини тадқиқ этиш, соҳада мавжуд муаммолар ечими юзасидан амалий ва назарий таклиф ва тавсиялаш ишлаб чиқиш, айниқса, бу борада масъул ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва олий юридик таълим муассасалари ҳамкорлигини жадаллаштириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан ҳисобланади¹.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида бугунги кунда кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 26-мартдаги ПФ-6196-сон Фармонида асосан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятига унинг самарадорлигини ошириш ва ортиқча хизмат юкласини қисқартиришга йўналтирилган замонавий ахборот технологиялари татбиқ этилади. Унга кўра “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани худуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қуйи бўғини ҳисобланади, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланади”²

¹ Джалилов Н. Профилактика инспектори маъмурий иш юритиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари // Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 12/S. – С. 348-352.

² Джалилов Н. Профилактика инспектори маъмурий иш юритиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари // Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 12/S. – С. 348-352.





Бундан ташқари , профилактика инспектори фаолиятига оид илмий ва назарий қарашлар ҳам шаклланган бўлиб бўлар қуйидагиларни ташкил этади.


Ф.А. Абдуллаевнинг таъкидлашича, профилактика инспектори фаолиятида ислохотлардан кўзланган мақсад, ички ишлар органларининг маъмурий ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни тўхтатиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш каби бир қатор вазифаларни самарали амалга оширишни назарда тутди³

Ф.А.Абдуллаев ва Э.Ж.Эркиновлар фикрича, профилактика инспекторининг асосий вазифаларидан бири бу жисмоний ва юридик шахсларни мурожаатларини кўриб чиқиш ҳисобланади. Профилактика инспектори ҳар кунлик хизмат фаолияти жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш ва уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ вазифалардан ташкил топади . Профилактика инспекторлари ўз хизмат хоналарида яъни ИИО таянч пунктларида (ИИО ТП) жисмоний ва юридик шахсларни ҳамда уларнинг вакилларини қабул қилишни ва улар томонидан масофадан туриб йўлланган мурожатларни кўриб чиқишни ташкил этади. Жисмоний ва юридик шахсларни ва уларнинг вакилларини қабул қилиш давлат органининг раҳбари ёхуд бошқа ваколатли шахс томонидан амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида махсус таркибий бўлинмалар ташкил этилиши мумкин, қабул учун масъул бўлган мансабдор шахслар белгиланади. Шунингдек, профилактика инспекторларининг жисмоний ва юридик шахсларни ва уларнинг вакилларини қабул қилиш ва улар томонидан масофадан туриб йўлланган мурожаатларни кўриб чиқишни белгиланган кун ва соатларда, қабул қилиш жадвалларига мувофиқ ўтказилади⁴.

Б.Алимов бу борада, профилактика инспекторининг маъмурий юрисдикциявий фаолияти– бу моддий ҳуқуқий маъмурий нормалар ва уларни татбиқ этилишига оид тегишли тартибда амалга оширилиши билан боғлиқ процедурали процессуал фаолият тушунилади. Шунингдек

³ Абдуллаев Ф., Шамсиддин Ш. Ш. Ҳозирги кунда профилактика инспектори ва ҳуқуқбузарликлар яқка тартибдаги профилактикасининг жамиятдаги ижтимоий-ҳуқуқий ўрни //Молодые ученые. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 113-115.

⁴ Абдуллаев Ф., Эркинов Э. Махалла ҳудудида “смарт махалла” дастури асосида профилактика инспектори, махалла вакиллари ва аҳоли ўртасида ўзаро қулай мулоқот тизимини жорий қилиш //Молодые ученые. – 2023. – Т. 1. – №. 5. – С. 32-35.






бу маъмурий қонунчилик билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда профилактика инспекторининг ваколатини назарда тутди. Яъни профилактика инспекторининг аниқ далилларни ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш, шу жумладан низоларни ҳал қилиш ва қонуний чора кўриш бўйича ваколатларидир. Гарчи бу фаолият бошқарув (хизмат) бўйсунтиш муносабатлари билан боғлиқ бўлмасада, доимо бу процессда профилактика инспекторлари давлат номидан ҳаракат қиладилар ва улар томонидан чиқариладиган ва маъмурий мажбуриятни қўллаш тўғрисидаги қарорлар (хулосалар) барча давлат ва жамоат ташкилотлари, корхона, муассаса, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан мажбурий таърифга эга бўлади⁵.

Юқорида кўриб ўтилганлардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, бугунги кунда ҳар бир ривожланган ёки ривожланаётган мамлакатда бўлгани каби Республикамизнинг ҳам муҳим тараққиёт йўли мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворга эга бўлган ҳамда ўзида фуқаролик жамиятининг олий даражасини намоён этган, мустаҳкам қонунчиликка асосланган давлатни қуриш тамойилларига асосланади.

Фойдаланилган адабиётлар:


1. Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
2. Алтмишев Т., Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлаш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. Special Issue. – С. 112-114.
3. Зиёдуллаев М., Абдуллаев Ф. Ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган маъмурий чеклаш чоралари тушунчаси, моҳияти ва турларига оид айрим мулоҳазалар //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 9-15.
4. Абдуллаев Ф., Муродов Н. Фуқаролик жамияти институтларининг жамиятда тутган ўрни //Наука и инновация. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 98-101.
5. Халилов Д. А. Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич, Абдуллаев Файзулла Абдикодир ўғли.(2022). Ички ишлар ишлар органлари маъмурий

⁵ Алимов Б. Профилактика инспекторининг маъмурий юрисдикциявий фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 155-158.





- чеклаш чораларини қўлловчи субъект сифатида. development of pedagogical technologies in modern sciences, 1 (2), 16–18. <https://doi.org/10.5281/z //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 19-22.>
6. Абдуллаев Ф., Сафиддинов А. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тушунчаси ва унинг моҳияти //Наука и технология в современном мире. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 263-272.
7. Зиёдуллаев М., Абдуллаев Ф. Ички ишлар органлари маъмурий чеклаш чораларини қўлловчи субъект сифатида //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 16-18.
8. Хўжаярова Н., Насиллоев А. Перспективы оказания государственных услуг в сфере миграционного регулирования гражданства республики узбекистан //International Bulletin of Applied Science and Technology. – 2023. – Т. 3. – №. 5. – С. 1343-1344.
9. Kizi K. N. N., Ogli N. A. A. Some issues regarding the provision of public services in the field of migration and citizenship regulation in uzbekistan //International Journal Of Law And Criminology. – 2023. – Т. 3. – №. 04. – С. 44-47.
10. Худайбердиев А., Искандаров Ю. Жамоат жойларида содир этиладиган безорилик ҳуқуқбузарликларининг криминологик тавсифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 33-37.
11. Мирзараимов С. Безорилик ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришнинг айрим жиҳатлари //Евразийский журнал академических исследований. – 2023. – Т. 3. – №. 2. – С. 41-48.
12. Худайбердиев А., Искандаров Ю. Жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларининг маъмурий-ҳуқуқий тавсифи //Инновационные исследования в науке. – 2022. – Т. 1. – №. 16. – С. 16-21.
13. Худайбердиев А., Исроилов О. Ички ишлар органлари томонидан оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини таъминлашнинг зарурати //Центральноазиатский журнал образования и инноваций. – 2023. – Т. 2. – №. 3. – С. 74-83.
14. Худайбердиев А., Тўраев Ш. Жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликнинг мазмун-моҳияти //Центральноазиатский журнал образования и инноваций. – 2023. – Т. 2. – №. 2 Part 2. – С. 61-69.





15. Худайбердиев А., Шукуров Ў. Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш фаолиятининг хусусиятлари //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 110-118.

